

Тасаввуф илмининг Накшбандия мактаби ислом оламига мутасаввуф шайхлар билан бир каторда етук олимларни хам етиштириб берган эди. Ана шундай зотлардан бири Хожа Мухаммад Порсо ал-Бухорийдир. Унинг исми-шарифидаги «ал-Бухорий» кўшимчасига асосланиб айтиш мумкинки, Порсо Бухорода тугилган. У мадрасаларда ўкиб, Куръон, хадис, калом каби турли линей илмларни чукур ўрганиб, замонасининг забардаст кишилардан бири бўлиб етишди ва Бахоуддин Накшбанддан сўнг Марказий Осиёда накшбандия окимининг энг йирик вакили хамда таргиботчиси сифатида машхур бўлди.

Абдурахмон Жомий ўзининг «Нафохот ул-унс» номли асарида кўрсатишича, Мухаммад Порсонинг тўлик исми Мухаммад бин Махмуд ал-Хофиз ал-Бухорийдир. «Порсо» унинг лакаби бўлиб, бу лакабни унга Бахоуддин Накшбанд берган. «Рашахот» муаллифи бунинг тафсилотини куйидагича баён килади: «Мухаммад Порсо кўчада мунтазир холда турардилар. Ногох ичкаридан Хазрати Хожа (Бахоуддин)нинг канизаклари чикиб колди. Хазрати Хожа канизакдан: «Кўчада турган ким?» — деб сўрадилар. «Бир порсо (диндор) йигит турибди», деди канизак. Хазрати Хожа ташкарига чикиб, Хожа Мухаммадни кўрдилар ва унга: «Сиз порсо экансиз», дедилар. Шу кундан бошлаб эл орасида у «Порсо» лакаби билан машхур бўлиб кетди. Хожа Мухаммад Порсонинг Бахоуддин Накшбанд билан бўлган ўзаро муносабатлари шу даврда яшаган Мухаммад Бокирнинг «Макомоти Хожа Бахоуддин Накшбанд» номли асарида мукамал баён килинган. Хожа Мухаммад Порсо «Тухфат уз-зоирин» китобида кўрсатилишича, Бахоуддин Накшбанднинг иккинчи халифаси эди. Бахоуддин Накшбанд ўзининг бу шогирдига катта умид билан караган ва унинг тарбиясини ўз назоратига олган.

«Рашахот»да Хожа Мухаммад Порсоннинг куйидаги хикояси кел-тирилади: «Хижоз йўлида Хожаи Бузруг (Бахоуддин) касалга чалиндилар ва васиятлар килдилар. Шу аснода дўстлар хузурида бу мажлисга юзланиб: «Хожагонлар хонадонининг халифаларидан бу заифга нимаики етган бўлса ва бу йўлда ниманики топган бўлса, бу омонатларнинг барини сенга топширдим. Бу омонатларнинг барини Хак субхонаху халкига еткиз», дедилар. Хижоз сафаридан кайтганимизда эса дўстлар хузурида: «Бизда нимаики бўлса, сен хаммасини тўлик олдинг», дедилар. Хаётларининг охирида эса: «Бизнинг вужудга келишимизнинг сабаби Мухаммад (Порсо)нинг зухури эди», дедилар».

Бахоуддин Накшбанд вафоти олдидан Хожа Мухаммад Порсони ўз ўрнига тайин килганлигини унинг якинларидан бўлган Хожа Али Домод куйидагича тавсифлайди: «Хазрати Хожа Баховуддин охирги беморликлари пайтида хозирги жасадлари ётган кабрни ковлашга буюрдилар. Кабрни ковлаб бўлиб, уларнинг хузурларига келдим. Ўзларидан сўнг иршод ишига кимни буюрар эканлар, деган фикр кўнглимдан ўтди. Улар тўсатдан менга ўгирилиб: «Хижоз йўлида айтган гапим гапдир, кимки бизни орзу килса, Хожа Мухаммад Порсога назар килсин», дедилар».

Мазкур мисоллар Хожа Бахоуддин Накшбанднинг шогирдига нисбатан хурмат ва эътиқодининг далилидир.

Хожа Мухаммад Порсо ўз устози каби мусулмонларнинг ахволи хакида кайгуриб, подшоҳлар ишига ҳам араллашиб турган. «Рашахот»да келтирилган бир хикоя аввалида Хожа Мухаммад Порсодаги каромат кувватининг кучлигидан далолат килинса, сўнг давр уламоларининг ҳамда подшоҳнинг илму фаннинг соф бўлиши борасида кайгур-ганликлари кўрсатилади.

«Рашахот» муаллифи Али Сафийнинг ёзишича, Хожа Мухаммад Порсо кучли каромат сохиби бўлса-да, бироқ буни иложи борича яширишга ҳаракат қилган. Аммо, катгик зарурат тугилгандагина уни ошкор қилишга мажбур бўлган. Шундай воқеалардан бирининг тафсилоти куйидагича:

«Ҳадисчи олимларнинг пешвоси шайх Шамсуддин Мухаммад ибн Мухаммад ибн Мухаммад ал-Жазарий алайхир раҳмат Мирзо Улугбек замонида Самарқандга келган эдилар. Баъзи гаразгўй кишилар: «Ҳазрати Хожа Мухаммад Порсо Бухорода кўп ҳадисларни накл қилади-лар, уларнинг аснодлари тўғри ёки нотўғрилиги ҳеч кимга маълум эмас. Ҳазрати Шайх буни текшириб кўрсалар ёмон бўлмас эди», дедилар.

Ҳазрати Шайх бу ишнинг пайига тушдилар. Мирзо Улугбекни ҳам бунга кўндириб, Бухорога одам юбордилар ва Ҳазрати Хожа (Мухаммад Порсо)ни Самарқанд га келишларини илтимос қилдилар. Шундай қилиб, Шайх Самарқанднинг шайхулисломи бўлган Хожа Исомиддин ҳамда уламоларнинг энг улуглари билан бирга катга мажлис ташкил қилдилар. Хожа Мухаммад ҳам мажлисга етиб кел-дилар. Шайх ундан илтимос қилиб, асноди билан биргаликда бир ҳадис айтишни сўрадилар. Хожа Мухаммад айтгач, Шайх: «Бу ҳадиснинг тўғрилигига шубҳа йўқ, бироқ унинг асноди бизга маълум эмас*», дедилар. Бу сўздан ҳасадчилар хурсанд бўлиб, бир-бирига кўз қисди-лар. Хожа Мухаммад эса бу ҳадиснинг иккинчи аснодини ҳам айтиб бердилар. Шайх яна ўзининг юкоридаги сўзини такрорлади. Хожа Мухаммад канча аснод айтса ҳам сўзи бу ерда макбул бўлмаслигини фахмладилар. Сўнг бир лаҳза мураккабга берилдилар, бироз сукут-дан кейин Шайхга қараб: «Сиз фалон ҳадис китобини тан оласизми ва ундаги аснодларни мўътабар дер ҳисоблайсизми?» — дедилар. Шайх: «Ҳа, у китоблардаги аснодларнинг ҳаммаси эътиборли ва ишончга лойиқдир. Ҳадис фанини таҳқиқ этувчилардан ҳеч ким унга шубҳа қилмайди, агар сиз айтган аснодлар шу китобдан бўлса, у пайтда бизнинг ҳеч қандай эътирозимиз йўқ», дедилар.

Ҳазрати Хожа (Мухаммад Порсо) Хожа Исомиддинга қараб: «Сизнинг кутубхонангизда фалон тоқчада, фалон китобнинг тагида, фалон рангли ва фалон жилдли китоб бор, унда биз айтган аснод фалон варақдан сўнг, фалон саҳифада батафсил келтирилган, илтифот қилиб, ходимларингиздан бир кишини юборсангиз, уни тезда олиб келса, дедилар.

Хожа Исомиддин, бу аснод ўша ерда борми-йўқми, деб иккиланиб турарди. Мажлисдагилар эса хангу манг бўлиб ўйга толган эдилар. Ҳазрати Хожанинг бу шахсий кутубхонада бўлмаганликлари ҳаммага маълум эди. Шундай қилиб, Хожа Исомиддин ўз яқинларидан бирини зудлик билан уйига юбориб, агар айтилган нарсалар ўша ерда бўлса, олиб келишни буюрди. У киши айтилган белгилар бўйича китоб ва аснодни топиб, мажлисга келтирди. Айтилган ҳадис ўша аснодлар билан ўша саҳифада ҳеч бир

тафовутсиз мавжуд эди. Буни эшитган мажлис ахлидан хайрат овозлари баланд кўтарилди. Шайх ва бошка уламолар таажжуб ичида колдилар. Айникса, Хожа Исомиддининг хайрати бошкаларникидан зиёда эди, чунки у бу аснодли китобнинг ўз уйида борлигидан беҳабар эди. Бу киссани эшитган Мирзо Улугбек Хазрати Хожани чакиртирганидан хижолат бўлди. Хазрати Хожадан юз берган бу каромат одамлар орасида уларга нисбатан акидаларини мустахкамлади.

«Рашахот»да Хожа Мухаммад Порсонинг ўша даврдаги сиёсий воқеаларга ҳам алоқадор бўлган и хакида маълумотлар келтирилган. Унинг фаолиятидан Амир Темурнинг фарзанди Мухаммад Жахонгирнинг ўгли Халил Мирзо, шунингдек, Хуросон шохи Шохрух яхши хабардор бўлганлар. Порсо Шохрух билан турли масалалар бўйича ёзишмалар ҳам олиб борганлиги манбаларда кайд этилган.

Хожа Мухаммад Порсо нафакат валиуллох, балки ўз даврининг йирик олимларидан эдики, унинг Ўзбекистон ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шаркшунослик институтида куйидаги асарлари сакланмоқда:

1. «Рисолаи кудсия» («Хожа Бахоуддиннинг кудсий калималари хакида рисола»).
2. «Аз анфози кудсияи машойихи тарикат» («Тарикат машойихла-рининг кудсий калималаридан»).
3. «Эътикодот» («Эътикод хакида рисола»).
4. «Тахикот» («Тасаввуф истилохлари хакида рисола»).
5. «Тафсири Куръон» («Куръон тафсири»).
6. «Ал-хадис ул-арбаъуна» («Кирк хадис»).
7. «Рисола дар одоби мурид» («Мурид одоблари хакида рисола»).
8. «Рисолаи кашфия» («Кароматлар хакида рисола»).
9. «Рисолаи махбубия» («Дўстлик хакида рисола»).
10. «Шархи «Фикхи Кайдоний»» («Фикхи Кайдоний» асарининг шархи»).
11. «Фасл ул-хитоб би-вусули-ахбоб» («Дўстлар висолига етишишда ок ила корани ажратувчи китоб»).
12. «Мухтасари таърихи Макка» («Макка шахрининг кискача тарихи»).
13. «Фусули ситта» («Олти фасл»).
14. «Мактуби Хожа Мухаммад Порсо ва Мавлоно Зайнуддин» («Хожа Мухаммад Порсонинг Мавлоно Зайнуддинга мактуби»).
15. «Макомоти Хожа Алоуддин Аттор» («Алоуддин Аггор макомоти»).
16. «Макомати Хожа Бахоуддин Накшбанд» («Хожа Бахоуддин Накшбанд макомоти»).
17. «Мукддима ли-жомиъ ул-калим» («Жомиъ ул-калим» китобига мукддима»).
18. «Хафтоду ду фирка» («Етмиш икки фирка»).

Институтда Хожа Мухаммад Порсонинг кўли теккан ва ўз мухри-ни босган бошка бир муаллифнинг асари ҳам сакланмоқдаки, буларнинг барчаси унинг етук олим бўлиши билан бирга, ўзининг шахсий кутубхонасига ҳам эга эканлигини кўрсатади.

Хожа Мухаммад Порсо икки марта хаж сафарини адо этган. Дастлаб Бахоуддин Накшбанд билан, кейин 1419 йили Бухородан Термиз, Балх ва Хирот оркали Нишопурга, ундан эса Мадинага кириб боради. Хаж зиёратини амалга оширгач, касалга чалиниб, 72

ёшида вафот этади. Амир ул-мўъминин Аббос макбараси ёнига дафн эгилади. Шайх Зайнуддин ал-Хавофий Мисрдан тарошланган ок тош келтириб, унинг кабрига кўяди.

Мухаммад Порсонинг «Рисолаи кудсия» асари Хожа Бахоуддин Накшбанднинг кудсий калималарини шархлашга багишланган. Бу калималар Бахоуддин Накшбанднинг ўз огзидан эшитилган бўлиб, Мухаммад Порсо уларни жамлаб юрган. Бу ҳақда унинг ўзи шундай дейди: «Бу сўзлар (уларнинг) муборак огизларидан чиккан сўзлардан бир томчисигина бўлиб, бу заиф банда... бу кудсий калималардан баъзиларини садокат ва иродат юзасидан табаррукона ва иршод сифатида каламга олиб юрарди». Мухаммад Порсо ўзининг бу асарида улугвор устозининг кудсий калималарини келтирибгина колмай, уларни шархлаб ҳам беради. Асар Бахоуддин Накшбанд хаёти, унинг хизматлари ва маънавий оламини очиб бериш ҳамда Накшбандия сулукининг асослари хақида чуқур маълумотларни ўз ичига олиши билан ниҳоятда кимматлидир.

Порсонинг шариат ва тарикат масалаларига багишланган ва унга катта шухрат келтирган асари «Фасл ун-хитоб би-вусули-л-ахбоб» («Дўстлар висолига етишда ок ила корани ажратувчи китоб») номли асаридир. Катта хажмга эга бўлган бу китоб ислом уламолари орасида кўлланма сифатида фойдаланилган. Асар бир неча марта чоп этилган.

Ўтмишда шариат, тарикат ва фиркалар тўғрисида кандайдир бахс тугилиб колса, албатта «Фасл ун-хитоб»га мурожаат килиб, Порсонинг фикрини хужжат сифатида кўрганлар ва унга суянганлар. Мазкур асарнинг мундарижаси билан танишиб чиқишнинг ўзи асарда муҳим масалалар кенг ёритилганлигидан гувоҳ беради. Асар 494 та масалага багишланган бўлиб, бу масалаларнинг ҳаммаси исломда бахсли хисобланган ва Порсо бу масалаларни турли асарларга суянган холда ечиб берган.

Умуман олганда, Хожа Мухаммад Порсо Марказий Осиё халқлари маънавиятида, ислом ва тасаввуф тарихида чуқур из колдирган алломадир.